



**QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ JASLAR SIYASATÍ HÁM SPORT MINISTRILIGI
BUYRÍGÍ**

24«iyul»2023 jil.

605-A/F-san

Nókis qalası

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил
18 июльдаги 03/936-A/F-сон буйруғи ижроси ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 18 июльдаги “Спортнинг велоспорт-МТВ тури бўйича ўсмирлар ва ўсмир қизлар, ёшлар ва қизлар, эркаклар ва аёллар ўртасида Ўзбекистон кубогини ўтказиш тўғрисида”ги 03/936-A/F-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 18 июльдаги 03/936-A/F-сон буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Спортнинг велоспорт-МТВ тури бўйича ўсмирлар ва ўсмир қизлар, ёшлар ва қизлар, эркаклар ва аёллар ўртасида Ўзбекистон кубоги (бундан буён матнда мусобақа деб юритилади) 2023 йил 25-29 июль кунлари Самарқанд вилоятида ўтказилиши инobatга олинсин.

3. Мусобақада иштирок этадиган жамоа аъзоларини сафар харажатлари сафарга юборувчи ташкилот томонидан қоплансин.

4. Олимпия ва паралимпия спорт турларини ривожлантириш шўъбаси бошлиғи (**А.Темирбаев**), Ўзбекистон велоспорт федерацияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ижрочи директори (**Ф.Арысланбаев**)лар билан биргаликда:

а) ушбу мусобақада Қорақалпоғистон Республикасининг терма жамоаси иштироқини таъминлаш вазифаси юклатилсин;

5 Ахборот хизмати (**А.Пиряров**)га:

мусобақанинг ўтказилиши билан боғлиқ жараёнларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишга тавсия этиш ҳамда вазирликнинг ижтимоий тармоқларга жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

6. Девонхона (**Б.Толыбаев**)га:

мазкур буйруқ билан Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг тегишли бўлимларига ва вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларига юбориш вазифаси юклатилсин.

7. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А.Алланазаров